# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 5 октябрь, № 209 (8552) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ КОРЕЯНИНГ «SK GROUP» КОМПАНИЯСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни Кореянинг етакчи «SK Group» компанияси раиси, Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раҳбари Че Тхэ Вон бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда «SK Group» компанияси билан юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, Тошкент вилоятида мис фольга ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги истиқболли лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Яримўтказгичлар саноатида муҳандислик кадрларини тайёрлаш ва илмий изланишлар ўтказиш режалари қўллаб-қувватланди.

Корея Савдо-саноат палатаси ушбу мамлакат етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини устувор тармоқлардаги кооперация лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилишда фаол иштирок этиши муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 5 — 7 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, Москва шаҳрида икки давлат етакчиларининг музокаралари бўлиб ўтади. Давлатимиз раҳбари Россия Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин билан ҳам учрашади.

Бўлажак учрашувлар кун тартибидан икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган. Амалий ҳамкорликни, энг аввало, савдо ва иқтисодиёт, инвестиция, миграция ва гуманитар соҳаларда кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Татаристонга ташриф буюриб, республика Раиси Рустам Минниханов билан музокара ўтказиши кўзда тутилган.

**ЎзА.**

## КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни профессионал таълим сифатини ошириш ҳамда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича янги ташаббуслар тақдимоти билан танишди.**

Иқтисодиётни ривожлантиришда профессионал таълим алоҳида ўрин тутади. Хусусан, тараққий этган давлатларда ўқувчиларнинг 75 фоизигача касбий таълим билан қамраб олинган.

Мамлакатимизда ҳам бу соҳа меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириб келинмоқда. Ўрта бўғин мутахассислари, асосан, икки йўналишда — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги касб-ҳунар мактаблари ва техникумлар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига қарашли мономарказларда тайёрланмоқда.

Бугунги кунда 689 та профессионал таълим муассасасида 714 та касб ва мутахассислик ҳамда 20 та "Ишга марҳамат" мономарказида аҳолига 54 та касб ва 6 та хорижий тил ўргатилмоқда.

Ўқувчиларга бир вақтда ҳам ўқиш, ҳам ишлаб даромад топиш имконини берадиган "дуал таълим" шакли жорий этилди. Бу тизим самарасида 2 минг корхона билан биргаликда 6 минг йигит-қиз ўқитилмоқда. Шунингдек, ёшларга 9-синфдан кейин касб-ҳунар мактаби, 11-синфдан эса коллеж ва техникумда турли мутахассисликлар ўргатилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада муайян бўшлиқлар ҳам бор. Айрим таълим дастурлари ҳаёт талаби билан боғланмаган. Профессионал таълим мактаб ўқувчиларини ўзига жалб қила олмаяпти. Оқибатда мавжуд қувватлар тўла ишлатилмаяпти.

Мономарказлар ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондира олмаяпти. Битирувчиларга малака разряди бериш жорий этилмагани сабабли улар қўшимча имтиҳон топширяпти. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан профессионал таълим ўртасида ҳамкорлик йўқ. Чет тилларни ўргатиш ва тасдиқловчи ҳужжат бериш бўйича ишлар етарли эмас.

Ушбу камчиликларни бартараф этиб, касбга ўқитиш сифатини ошириш мақсадида тегишли вазирликлар томонидан янги таклифлар ишлаб чиқилган. Тақдимотда мутасаддилар шу борада атрофлича ахборот берди.

Мазкур таклифларда хорижий таълим дастурларини жорий этиш, битирувчилар малакасининг ички ва ташқи бозорда тан олинишини таъминлаш, ўқувчиларни коллеж ва техникумларга кенгроқ жалб этиш, мономарказларда касбга ўқитиш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу таклифларни такомиллаштириш борасида қўшимча топшириқлар берди. Аҳоли бандлиги энг муҳим масала экани, ёшларга касб-ҳунарларни туманлар ихтисослашувидан ҳамда корхоналар эҳтиёжидан келиб чиқиб, аниқ йўналишлар бўйича ўргатиш кераклиги таъкидланди.

Касблар ва профессионал таълим классификаторларини босқичма-босқич янгилаб, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, профессионал таълим муассасаларини мактаб ва олий ўқув юртлари билан узвий боғлаш муҳимлиги айтилди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги барча касб-ҳунар таълими муассасаларини яхлит тизим сифатида мувофиқлаштириши белгиланди.

Келгуси ўқув йилидан ҳар бир вилоятда дунё тан олган дастур асосида касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилади. Уларнинг битирувчилари халқаро малака ва хорижий тил сертификатига эга бўлади. Шунингдек, илғор касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш мезонлари татбиқ этилади.

Мономарказларда касблар иш берувчиларнинг буюртмаси асосида ўқитилади, бу битирувчиларнинг ишга жойлашишида муҳим омил бўлади.

Мутасаддиларга профессионал таълим тизимини ривожлантиришнинг йилма-йил дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

*Сўнгги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги мисли кўрилмаган даражага кўтарилди.*

*2022 йилнинг 15 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади. Ҳужжатни имзолаш маросими Россия раҳбари расмий ташриф билан бўлган Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунлари бўйича ўтказилди.*

Самарқанд декларацияси Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ривожида янги босқич бўлиб, ўзаро алоқаларга, айниқса, яқин ва динамик тус берди. Ҳужжат сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда қатор аниқ йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади.

Икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Президент Владимир Путин ташриф чоғида Президент Шавкат Мирзиёевга Россиянинг Александр Невский орденини топширди.

Қайд этиш жоизки, Александр Невский ордени билан Россия билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмаклашишда хизмат кўрсатган атоқли хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари мукофотланади.

Расмий Тошкент ва Москва Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан манфаатдор ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда икки мамлакат парламентлари ва ҳудудлари ўртасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Томонлар барча даражада жадал ва кенг кўламли мулоқот олиб бормоқда. Хусусан, ўзаро ҳамкорликнинг уч босқичли ноёб тизими: Бош вазирлар даражасидаги қўшма комиссия, Ҳукуматлараро комиссия ва унинг қуйи қўмиталари шакллантирилди. Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида тизимли асосда самарали мулоқот ривожланиб бормоқда.

Икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик фаол ривож топяпти. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Федерал Мажлиснинг Давлат думаси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги қонунчилик базаси 350 дан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доираларида яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлайди. БМТ платформасида ўзаро ҳамкорлик Бош Ассамблея кун тартибидаги асосий масалалар ва томонлар томонидан илгари сурилган ташаббуслар бўйича позицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Россия томони БМТга аъзо давлатлар томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона (МОЯҚХЗ) тўғрисидаги Шартнома бўйича позициясини кенг қўллаб-қувватлашга кўмаклашди, МОЯҚХЗ бўйича Бош Ассамблеянинг резолюцияларини қўллаб-қувватлашда изчил иштирок этди (иккинчиси Бош Ассамблеянинг 75-сессиясида овозга қўйилмасдан қабул қилинди). Бундан ташқари, Россия Шартномага хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколни имзолади ва ратификация қилди.

Россия, шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" (2018), "Барқарор туризм ва Марказий Осиёда барқарор тараққиёт" (2019), "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида" (2021), "Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида" (2022) ва "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги (2022) резолюцияларни қўллаб-қувватлади ва ҳаммуаллифлик қилди.

Ўзбекистон — Россия турли масалалар бўйича икки ва кўп томонлама форматдаги ҳамкорликнинг муҳим ҳамда долзарб жиҳатлари бўйича икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказмоқда.

Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШҲТга раислиги даврида Россия томони ўзбек томонининг деярли барча ташаббусини, хусусан, транспорт алоқаси, туризм, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, рақамли саводхонлик, телемедицина, ШҲТда минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ва бошқа соҳаларда ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича қўллаб-қувватлади.

Россия томонининг қўллаб-қувватлаши ШҲТ саммитининг Самарқанддаги якунларига ижобий таъсир кўрсатди, натижада ташкилот фаолиятининг турли йўналишлари бўйича рекорд даражадаги 44 та ҳужжат қабул қилинди.

➡ 2

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ МАВЗУИДА МУЛОҚОТ

*Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари ҳамкорлигида Ўзбекистонда гендер тенглик бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш мавзуида мулоқот бўлиб ўтди.*

### Анжуман

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, вазирлик ва идоралар, халқаро молия институтлари, хусусий сектор, ёшлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш, улар бандлигига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида фикр алмашилди.

➡ 2

**Қонун лойиҳаси — жамоатчилик муҳокамасида**

## АНИҚ ВА АСОСЛИ МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛМОҚДА

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси — regulation.gov.uz портали ҳамда Қонунчилик палатасининг parliament.gov.uz расмий веб-сайтига жамоатчилик муҳокамаси учун қўйилган эди.*

*Қайд этиш жоизки, парламент фаолиятига оид қонун лойиҳаси билан 14 та қонун (жумладан, Сайлов кодекси)га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.*

*Айни пайтда қонун лойиҳаси юзасидан кенг жамоатчилик вакиллари, турли касб эгалари, фуқаролар, ёшлар томонидан кўплаб аниқ таклифлар, асосли фикр-мулоҳазалар, мушоҳадали муносабатлар билдирилмоқда.*

➡ 2

## ҚОЗОҚ ҚАРДОШИМ МЕНИНГ

***Тили бир, дини бир, урф-одатлари эгиз барча туркий халқлар билан қавм-қариндошлик, дўст-биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, қардош қозоқ халқи билан азалдан ёнма-ён яшаб, қуда-қудағай бўлиб, яхши-ёмон кунларида дилдошлик қилиб, аҳил-иноқ ҳаёт кечириб келяпмиз. Табиийки, бу эзгу амалларнинг тамал тошини буюк бобокалонларимиз қўйган. Улар ҳар бир ишда елкадош бўлишган...***

4-саҳифага қаранг. ➡

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

1 Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар фаол кенгаймоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йил якуни ва жорий йилнинг ўтган етти ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши 20 фоиздан ошди. Шу билан бирга, бугунги кунда ўзаро товар айирбошлашнинг 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ташкил этади. 2022 йилда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида 967 та корхона ташкил этилган.

Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда тоғ-кон ва металлургия, ёқилғи-энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда 100 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилди.

2022 йил сентябрь ойида ўтказилган Ўзбекистон — Россия саммити якунларига кўра машинасозлик, кимё, нефть-кимё ва геология соҳаларида умумий қиймати 4,6 млрд. долларлик янги инвестиция келишувлари тўплами имзоланган эди.

Саноат-технологик шерикликни, биринчи навбатда, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш бўйича қўшма Комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилиш учун ишлаб чиқилмоқда.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда бевосита ҳудудлараро алоқалар муҳим ўрин тутади. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида икки мамлакат минтақавий етакчиларининг 50 га яқин ўзаро ташрифлари амалга оширилди.

2018 йилнинг 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида биринчи “Ўзбекистон — Россия” минтақалараро форуми бўлиб ўтди. Президент Владимир Путиннинг давлат ташрифи ва Минтақалараро форум якунлари бўйича 136 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

2021 йил 17 ноябрь куни Москвада иккинчи форум бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича жами 9 млрд. долларлик 600 га яқин икки томонлама шартномалар, жумладан, 7,4 млрд. долларлик 141 инвестиция лойиҳаси ва 1,6 млрд. долларлик 455 та экспорт шартномаси тузилди.

4 октябрь куни Қозон шаҳрида учинчи форум бўлиб ўтди, унда ҳам икки томонлама шартномаларнинг муҳим пакети имзоланди.

Бой ва ранг-баранг маданий-гуманитар ҳамкорлик таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон бугунги кунда Россия университетларининг хорижий филиаллари сони бўйича етакчи ҳисобланади. Сўнгги тўрт йил ичида мамлакатимизда Россиянинг 11 етакчи университетининг филиаллари очилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Россия олий таълим муассасаларининг жами 14 та филиали бор.

Сайёҳлар алмашинуви жадал ошиб бормоқда. Бу йил Ўзбекистонга келган россиялик сайёҳлар сони пандемиядан олдинги кўрсаткичдан ошиб кетди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари фаол қўллаб-қувватланмоқда. Икки давлат театрлари гастроллари, маданият кунлари ўзаро асосда ташкил этилаётир. Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент халқаро кинофестивали ва бошқа маданий тадбирларда Россиядан ижодий гуруҳлар мунтазам қатнашяпти.

Мухтасар айтганда, томонлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга содиқдир ва мамлакатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига бўлажак расмий ташрифи илгари эришилган келишувларни амалга оширишга, халқларимиз манфаати учун узоқ муддатли ва кўп қиррали Ўзбекистон — Россия алоқаларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

# АНИҚ ВА АСОСЛИ МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛМОҚДА

1 Хусусан, лойиҳага оид таклиф ва муносабатлар 3 октябрь куни ҳолатига кўра, жами 199 тани ташкил этаётир. Уларнинг 103 таси regulation.gov.uz порталига ҳамда 96 таси parliament.gov.uz веб-сайтига келиб тушган.

Қонун ижодкорлиги — мураккаб жараён. Ушбу жараёнда фуқароларнинг фаол иштирок этиши қонунларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, мукаммал бўлишини кафолатлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, парламент фаолиятини такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушаётган таклифлар таҳлил этилганда, аксариятида асосли фикрлар илгари сурилаётганини кўриш мумкин. Айниқса, ёшлар лойиҳа муҳокамасида фаол иштирок этиб, ўз фикрларини дадил билдирмоқда.

Жумладан, regulation.gov.uz порталига Нодирбек Муродовдан келиб тушган таклифга кўра, қонун лойиҳасида Қонунчилик палатаси қонунни ўн кун ичида Сенатга юбориши, Сенат қонунни ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориши, Президент қонунни олтмиш кун ичида имзолаши белгиланган. Бу эса маълум бир даражада иш фаолияти давомида аниқлик киритилишини талаб этмоқда. Ўн календарь кун бўлса, ишланмайдиган дам олиш кунлари (шанба, якшанба) ҳам шу муддат ичига қўшилиб ҳисобланади ва бу ҳолат мазкур дам олиш кунларида ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланишни тақозо этади. Ўн иш куни бўлса, ишланмайдиган дам олиш кунлари бу муддат ичига қўшилмайди ва мазкур муддат икки ҳафтага айланади. Шу боис мазкур ўн кунлик ва олтмиш кунлик муддатга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ тарзда аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ, яъни ўн календарь кунни ёки ўн иш кунини белгилаш зарур.

Ёшлар парламенти аъзоси Додар Долмуродова эса лойиҳадаги нормаларни қўллаб-қувватлаб фикр билдирган. Чунончи, унинг қайд этишича, Қонунчилик палатаси қўмиталарига Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилиши жамоатчилик назоратини янада кучайтириб, уларнинг масъулияти ошишига шароит яратади. Сенатнинг бир қатор ваколатлари бекор қилиниб, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари сифатида белгиланиши эса қуйи палатанинг ролини янада мустаҳкамлашга олиб келади. Шу билан бир қаторда, Спикернинг ўринбосарлари фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда лавозимда бўлиш даврида сиёсий партиядаги аъзоликни тўхтатиб туриши парламент фаолиятининг янада шаффоф бўлишига хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг parliament.gov.uz расмий веб-сайтига Улуғбек Курязовдан келиб тушган таклифлар ҳам айрим нормаларни янада аниқлаштиришни тақозо этади. Чунончи, қонун лойиҳасида айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Сенат Раиси бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилган нормага билдирилган таклиф шундан иборатки — нима учун бу борада чеклов қўйиляпти? Агар сенаторлар сайласа, демак, у шахс халқ учун, ватан учун сидқидилдан ишлаётганидан далолат беради. Ёки яна бир норма — Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳининг таклифига биноан палата томонидан кўриб чиқилиши билан боғлиқ. Таклифга кўра, ушбу нормани аниқлаштириш зарур. Нима учун бошқа масалаларда учдан икки қисми, бу масалада эса учдан бир қисми дейилмоқда? Балки бу нормани учдан икки қисмига деб, ўзгартириш керакдир.

Бу каби таклифларни кўплаб келтириш мумкин. Улар қаторида эса кўплаб таҳририй тузатишлар, янгича ёндашувлар таклиф қилинмоқдаки, албатта, буларнинг барчаси мазкур ҳужжатни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Билдирилаётган таклифлар, муносабатлар айни вақтда қонун лойиҳасига масъул — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида батафсил кўриб чиқилмоқда.

Маълумот учун: таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш муддати 14 октябргача давом этади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА ШАРОИТ БОР, ТАНЛОВ ЭСА...

*Устозлик — шарафли касб. Бугун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, чет тили ўқитувчиларининг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимли рўёбга чиқариляпти. Бу бежиз эмас. Чунки ҳозирда умумий ўрта мактабларда айнан ушбу фан ўқитувчиларига талаб тобора ортмоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги педагогика ўқув муассасаларида берилаётган таълимни янгича ёндашув асосида ташкил этишни тақозо қилади.*

## Имконият

Бир ҳақиқат аёнки, хорижий тилни яхши биладиган ва болага ўргата оладиган мутахассисларни ё хусусий мактаблар ёки ўқув курслари аллақачон “илиб кетган”. Шу боис ҳозир юртимизнинг исталган ҳудудига борсангиз, йигит-қизларимиз ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганаётганига гувоҳ бўласиз. Бу сўнгги йилларда бутун мамлакат бўйлаб кенг ёйилган тенденция, яъни ёшлар ўртасида оммалашган хорижий тиллар ва IT соҳасини ўрганиш ҳаракати натижасидир.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли илгари биз билган дўконлар, ошхоналар ўрнини бугун турли ўқув марказлари эгаллади. Албатта, жараённинг бундай кенг кўламга чиқиши ўз-ўзидан бўлмайди ва унга муҳим омиллар туртки берди. Хусусан, давлат ёшларнинг хорижий тил ўрганиш харажатларини қоплаб бериш механизми орқали молиявий мотивация бермоқда. IELTS ёки CEFR сертификатига эга бўлган йигит-қизлар эса олий таълимга қабулда катта устунликка эга бўлаётир.

Худди шундай имкониятни қўлга киритган мактаб ўқитувчиларининг ойлиги Президентимиз айтганидек 1 минг АҚШ долларигача етмоқда. Давлат ташкилотларидаги тил биладиган ходимлар маошига устама қўшиб берилаётгани ҳам эътиборга молик.

Юқорида малакали чет тили ўқитувчиларига эҳтиёж борлигини таъкидлаган эдик. Ўз навбатида, давлатимиз бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўқув курслари фаолиятини рағбатлантириш, онлайн усулларни оммалаштириш каби жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Сир эмаски, хорижий тилни мукаммал билган мутахассис интернет орқали катта даромад олиши, хизмат поғоналари бўйлаб кўтарилиши мумкин. Энг муҳими, уларнинг кенг дунёқараш ва билимлар сари имкониятларга эга бўлишидир.

Бунинг учун мамлакатимизда муҳим механизм — Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ, “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш” бўйича давлат хизмати ишга туширилган.

Ҳаммаси оддий: масалан, сиз бор билимингизни сарфлайсиз, меҳнат қиласиз ва IELTS (ёки унга тенг CEFR) тизими бўйича камида 6,5 баллни қўлга киритасиз. Давлат имтиҳон учун сарфлаган харажатингизни қоплаб беради. Агар абитуриент бўлсангиз, ана шу сертификат сизга ОТМ имтиҳонларида катта устунлик беради.

Маълумотларга кўра, шу йил 15 сентябрь ҳолатига қадар 19 минг 220 нафар ёшга 33,3 млрд. сўм миқдоридаги маблағ компенсация қилиб берилди. Мисол учун, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида яшовчи Гўзалхон Ҳайдарова IELTSдан 7 балл олиб, АҚШнинг Ҳарвард университетида (Топ-2) грант асосида ўқийдиган бўлди. Наманган вилоятининг Поп туманида яшовчи Шаҳзода Икромова эса IELTSдан 7,5 балл олган ҳолда АҚШнинг Миннесота университетига грант асосида қабул қилинди. Ва бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хорижий тил бўйича сертификатни қўлга киритиш учун шунчаки тил ўрганиш кифоя эмас. Мантиқий ва танқидий фикрлаш, коммуникативлик, тез қарор қабул қилиш, кучли хотира ҳам талаб этилади. Қувонарлиси, ана шундай қобилиятга эга бўлган миллионлаб ёшлар ҳаракатга тушди, улар ўз мақсадлари сари олдинга интилмоқда.

Президентимизнинг ёшлар камида икки тилни билиши шарт, деган ташаббуси ва талаби билан бошланган жараён яна бир муҳим тенденцияни бошлаб берди. Зеро, давлатимиз раҳбари болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-ҳунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, жамиятда ижобий ўзгаришлар, юксак тараққиёт бўлишини уқтирмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун ёшларимиз хорижий тилларни ўрганиб, ўз мақсадлари сари дадил қадам ташламоқда. Мамлакат эса хорижий тиллар ёки замонавий касблардан бирини мукаммал эгаллаган интеллектуал салоҳиятли ёшларга эга бўляпти. Бу жараён олий мақсад — жамиятимизда билимли, соғлом, меҳнатсевар ёшлар, меҳрибон ота-оналар ва фаол фуқаролар авлодини шакллантиришга хизмат қилади.

**Абдумалик АКРОМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ МАВЗУИДА МУЛОҚОТ

1 Қайд этилганидек, айни дамда юртимизда аёллар улуши тиббиётда 77, таълим соҳасида 74, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоизни ташкил этиши, шунингдек, хотин-қизларнинг бошқарувдаги улуши 33, партиялар сафида эса 47 фоизга етганлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбир давомида жорий йилда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган янги қонуннинг қабул қилиниши, оилавий (маиший) зўравонлик, таъқиб этиш, шаҳвоний шилқимлик каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланганига ҳам эътибор қаратилди.

Қолаверса, сўнгги олти йилда гендер тенгликни таъминлашга, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришга, уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилингани, шу жумладан, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясининг аҳамияти, уни амалга ошириш бўйича миллий дастур ва чора-тадбирлар режалари ижроси иштирокчилар томонидан батафсил муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар бир қатор халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам юқори баҳоланаётганлиги, хусусан, “Open Data Watch” ташкилотининг Очиқ гендер маълумотлари индексида Ўзбекистон 69,7 балл билан 195 та давлат орасида 18-ўринни қайд этиб, ТОП-20 таликдан жой олганлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар томонидан Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш бўйича янги ёндашув, ғоя ва ташаббуслар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ОРОЛ ФОЖИАСИ



## Уни дунё ҳамжамияти билан биргаликда юмшатиш мумкин.

*Кейинги ўн йилликда бутун дунёда иқлим ўзгариши кузатилаётгани ва борган сари жиддий тус олаётгани барчага маълум. Мана шундай мураккаб бир шароитда дунё бўйича зарур чоралар кўриляпти. Хусусан, мамлакатимизда Орол денгизи қуриши оқибатида вужудга келган инқирозни юмшатишга катта эътибор қаратиб келинаётгани диққатга сазовор.*

## Мушоҳада

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи мисолида буни кўриш мумкин. Унда алоҳида қайд этилганидек, ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилмоқда. Сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаймоқда. Орол денгизи фожиаси туфайли Марказий Осиёда вазият янада жиддийлашган.

Шу ўринда аллақачон глобал муаммога айланиб улгурган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида давлатимиз томонидан кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, сўнгги йилларда Орол денгизи қуриган тубида 1,7 млн. гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши муҳимлиги Президентимиз томонидан алоҳида айтиб ўтилгани бежиз эмас. Негаки, бундай улкан муаммони бутун дунё биргаликда ҳал эта олиши мумкин, холос.

Муаммонинг қанчалик жиддийлиги қуйидаги маълумотларда ҳам яққол намоён. 1960 йилгача Орол денгизи дунёдаги энг йирик тўртта кўл қаторидан ўрин олиб, майдони 66 минг кв. км. — 6,6 млн. гектар бўлган. Унинг қуриши оқибатида 5,5 млн. гектардан зиёд майдонда қум саҳроси пайдо бўлди. Ҳар йили 100 млн. тонна қум ва туз ҳавога кўтарилади. Энг ёмони улар, ҳатто олис Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари ва Норвегия ўрмонларига қадар етиб бормоқда. Бу эса Орол ҳалокати қанчалик глобал муаммо эканини яна бир бор исботлайди.

Қолаверса, денгиз Сибирдан келадиган кузги-қишги совуқ шамолларни, ёзнинг кучли иссиғини юмшатарди. Эндиликда эса ана шу муҳофаза йўқлиги боис қишда совуқлик 1-2 даражага, ёзда ҳарорат 2-2,5 даражага ошиб кетди. Ёмғир ва қор ёғиши бир неча мартага қисқарди. Айни чоғда қолган сувнинг шўрланиш даражаси 25 маротаба ортиб, дунё океанлари минераллашуви кўрсаткичидан 11 баробар кўпроқни ташкил этмоқда.

Шу сингари омиллар минтақа флора ва фаунасига ўнглаб бўлмас зиён етказаётир. Бир пайтлар Орол сувларида мавжуд бўлган ўнлаб турдаги балиқлар ҳозирги вақтда деярли учрамайди.

Ўтган даврда Оролбўйи ҳайвонот дунёсининг 50 фоизидан ортиғи бой берилди. Оролбўйи ҳудудидаги тўқайзорлар деярли 90 фоизга қисқарди.

Денгизнинг транспорт, балиқчилик, чорвачилик ва бошқа анъанавий фаолият турларидаги аҳамияти тушиб кетиши юз минглаб кишилар, хусусан, мўйноқликларни ишсиз қолдирди. Уларнинг муаммоси фақат шулар эмас эди. Ишсизлик, газ танқислиги, транспорт қатнови ва ички йўллар муаммолари қалашиб ётарди. Ҳудудда иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳам авж олди.

Буни айрим статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин юрак ишемик касалликлари 18, пневмания 19, сурункали бронхит 30, буйракда тош учраши 4,2 мартага ортган. Яна бир мисол: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йил эълон қилган маълумотида бир ҳудуддаги 10 минг аҳолининг 50 нафарида сил касаллиги аниқланса, у ҳудуд эпидемик зона сифатида белгиланган. Аммо сўз юритилаётган даврда Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 77 нафарни, Мўйноқ туманида 130 нафарни ташкил этган.

Ана шундай мураккаб вазиятда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан дадил қадамлар ташланди. Охирги беш-олти йилда давлатимиз раҳбарининг Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган 30 дан ортиқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Шу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази тузилди. Мазкур марказ томонидан “Мўйноқ” ва “Саманбай” тажриба-синов майдонлари ташкил этилди. Айни чоғда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамли чўл ва манзарали ўсимликлар генофонди шакллантирилиб, синовдан ўтказилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлома шериклик асосида траст фонди ташкил этилгани ва жамғарма стратегияси ишлаб чиқилганини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

**Мазкур стратегияда қуйидаги мақсадлар илгари сурилди:**

- *Экологик хавфсизлик;*
- *Иқтисодий хавфсизлик;*
- *Озиқ-овқат хавфсизлиги;*
- *Аҳоли саломатлигини яхшилаш;*
- *Ижтимоий хавфсизлик;*
- *Донорлик ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш.*

Ҳозирги пайтда ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Европа Иттифоқи, Норвегия, БАА, Германия, Япония ва Европа инвестиция банки билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бир қатор халқаро самммит ва анжуманларда билдирган ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюция қабул қилинди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 29 июлда Президентимизнинг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорда иқтисодиёт тармоқларида ресурс тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган, 2021 — 2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган 7 та йўналишдаги 71 тадбирдан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур тадбирлар учун турли манбалардан 312 млрд. сўм, 22,2 млн. АҚШ доллари, 6 млн. еврога тенг маблағлар сарфланиши, қолаверса, 2021 — 2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа учун турли манбалардан 1,9 трлн. сўмга тенг маблағ жалб қилиниши, натижада 4,5 мингта иш ўрни яратилиши белгиланган. Эътиборлиси, ҳозирги пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонига асосан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган бўлиб, “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда бута кўчатлари ўтқазилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2026 йил якунига қадар яшил майдонларнинг умумий ҳажмини 2,5 млн. гектар ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш кўзда тутилганлигини ҳам айтиш ўринлидир.

Қайд этиш кераки, артезиан қудуқларидан сув чиқариш ҳисобига кичик кўллар атрофида қамишзор ва бутазорлар пайдо бўляпти. Шу тариқа янги экотизим ҳосил бўлиб, ҳудудда тулки, қуён, чиябўри, сайғоқ, қулон ва тўнғиз каби ёввойи ҳайвонлар ҳамда лочин, фламинго ва оққушлар сезиларли даражада кўпайди.

Ёдингизда бўлса, Президент 2017 йилги Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Мўйноққа олти ойда сув келишини айтганди. Ўша пайтда одамларга афсонадек туюлган бу хабар яшин тезлигида тарқалди. Муҳими, тез фурсатда 101 км. сув тармоғи ишга туширилиб, 7 минг куб метр тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкони яратилди. Бу Мўйноқ аҳолиси учун тарихий воқеа бўлган эди, десак, айни ҳақиқат.

Ҳудуддаги хайрли юмушлар тобора изчиллик касб этмоқда. Хусусан, давлат раҳбарининг шу йил 2 февралдаги “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган шароити оғир оилалар ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда овул ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Яъни шу муносабат билан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, оғир турмуш шароитидаги оилаларга тегишли 2194 та уй-жойнинг томини таъмирлаш, 709 та яшаш учун яроқсиз уй-жойни янгидан қуриш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бириктирилмаган Амударё, Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларидаги 2 минг км.лик тупроқ йўлларга қум-шағал ёткизиш белгиланди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон заминида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш юмушлари Орол денгизи қуриши оқибатида вужудга келган экологик вазиятни яхшилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, дунё ҳамжамияти биргаликда ҳаракат қилсагина, ушбу муаммони зарур даражада юмшатиш мумкин бўлади.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

*Глобаллашув шароитида дунё мамлакатлари турли соҳаларда барқарор тараққиёт йўлида мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Албатта, бунда ҳар бир давлат ўз табиий ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб инсон омили, жумладан, ёш авлодни тарбиялаши, шарт-шароит яратиши, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиши муҳим саналади.*

## Нуқтаи назар

Ёшлар — миллатнинг асосий стратегик ресурси бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ва техник тараққиётнинг, илғор ғояларнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Уларнинг ижодий тасаввурлари, идеаллари ва ғайрати жамиятнинг олдинга силжишини таъминлашда ғоят муҳим.

Шу маънода айтганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат ва глобал меҳнат тақсимоти, жаҳон илм-фани, маданиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, мудофаа қобилиятини зарур даражада таъминлаш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш жараёнлари ёшларнинг фаол иштирокисиз мумкин эмас.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини — инсон капиталини ривожлантириш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсон капитали — бу сармоялар натижасида шаклланадиган ва шахс томонидан тўпланган, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадга мувофиқ фойдаланиладиган, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсишига ёрдам берадиган маълум бир саломатлик, билим, кўникма, қобилият, мотивация, самарадорлик захираси. Инсон капиталини шакллантириш — бу ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган шахснинг юқори сифатли ишлаб чиқариш хусусиятларини излаш, янгилаш ва такомиллаштириш жараёнидир.

Ёшлар салоҳиятини ривожлантиришнинг барча йўналишлари ва улар фаолиятида сифатни оширишга доир давлат сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат. Булар — ёшларга таълим сифатини сезиларли даражада ошириш ва уларнинг ижтимоий ва иқтисодий компетенцияларини ривожлантириш; меҳнат маданияти ва интизомини, меҳнат унумдорлигини, бажарилган иш учун масъулиятни ошириш; ахлоқий хулқ-атворни, оилавий қадриятларни, болаларни тарбиялаш учун масъулиятни шакллантириш; ватанпарварлик, фуқаролик иштироки ва масъулияти, ҳуқуқий онгининг юксаклиги; дунёни ва унинг атрофидаги воқеликни яхши томонга ўзгартиришга муносабатни, шу жумладан, ёшларни инновацион ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш; ёшларга соғлом турмуш тарзи қадриятлари ва маданиятини эгаллашига кўмаклашиш.

Умуман олганда, ёшлар замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларга муваффақиятли мослашмоқда. Бу мустақиллик, амалийлик ва ҳаракатчанлик, ўз тақдири учун масъулият, сифатли таълим ва касбий тайёргарликка қизиқишнинг кескин ортиши билан ажралиб туради. Айни чоғда бу кейинги бандлик ва вазифаларга таъсир қилади. Ёш авлод халқаро ёшлар ҳамжамиятига, глобал иқтисодий, сиёсий ва гуманитар жараёнларга интеграциялашишга интилмоқда.

Глобаллашув, у қандай баҳоланишидан қатъи назар, қайтариб бўлмайдиган жараён, жаҳон тараққиётининг муқаррар тақдиридир. Бу ҳам кўп қиррали ҳодиса, ҳам ёшларга таъсир этувчи табиий омилдир. Кўриниб турибдики, глобаллашув янги имкониятлар, муаммолар ва хавфларни келтириб чиқаради.

Биз ушбу мақолада таълимни байналминаллаштириш бўйича таниқли тадқиқотчи томонидан берилган глобаллашувнинг ғоявий бўлмаган таърифига амал қиламиз. Ушбу таъриф глобаллашувни технология, билим, одамлар, қадриятлар ва ғояларнинг чегаралар орқали оқими сифатида кўриб чиқади. Ҳар бир алоҳида мамлакат учун глобаллашув тарихи, анъаналари, маданияти ва устуворликларига қараб турли маъноларга эга. Замонавий глобаллашувнинг асосий параметрларига қуйидаги ўзаро боғлиқликлар киради: иқтисодий, сиёсий, ахборот, коммуникацияларнинг глобаллашуви, маданий глобаллашув, хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқлик, умумий экологик таҳдидлар.

Ёшлар энг сезгир ижтимоий гуруҳ сифатида, биринчи навбатда, глобаллашув жараёнларига таъсир қилади. Иқтисодий глобаллашув бу, биринчидан, замонавий ёшлар жамиятнинг энг ҳаракатчан қисми сифатида жалб қилинган жаҳон миқёсидаги иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлишини англатади. Иккинчидан, глобал иқтисодий ўзгаришларнинг механизмларини ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун ижтимоий макон электрон алоқанинг ривожланиши билан янги сифат касб этди. Алоқанинг мавжудлиги, нархи ва тезлиги маҳаллий универсал аҳамиятга эга бўлмоқда. Алоқа нархининг тез пасайиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни ва одамлар онгини сифат жиҳатидан кескин ўзгартирди. Бу эса янада кучли ва глобал фуқаролик жамиятини шакллантириш учун асос бўлиши мумкин.

Сиёсий глобаллашув халқаро сиёсий тузилмаларнинг институционаллашувини ўз ичига олади, маданий глобаллашувнинг икки томони бор. Биринчидан, дунё аҳолисининг катта қисмига, айниқса, ёшларга индивидуал Ғарб қадриятларининг тарқалиши кузатилаётир. Иккинчи томондан эса, рационаллик, иқтисодий самарадорлик қадриятлари ва сиёсий демократия каби Ғарб институционал амалиётлари тарқалмоқда.

Тадқиқотчилар маданий глобаллашувни тавсифлар экан,



жаҳон бозорининг кенгайиши маданиятлар, ўзига хосликлар ва турмуш тарзи учун жуда катта оқибатларга олиб келишини таъкидлайди. Иқтисодий фаолиятнинг глобаллашуви маданий соҳадаги ўзгаришлар тўлқинлари билан бирга келади, бу жараён "маданий глобаллашув"дир. Бунда гап асосан, маданий рамзларни ясаш ҳақида кетмоқда ва бу жараён анчадан бери кузатилаётир. Глобаллашувнинг маданий жиҳати Ғарб услубидаги маданиятнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, бу кўпчилик халқлар миллий ўзига хослигини йўқотишига олиб келади.

Маҳаллий тадқиқотчиларнинг фикрича, ғарблашув жараёни таъсирида замонавий ўзбек ёшларининг онгида ўзгаришлар юз бермоқда. Дарҳақиқат, замонавий ўзбек ёшлари орасида Ғарб маданиятини қабул қилиш унсури борлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, ўзбекона анъаналар пойдевори туфайли ёшларда миллий менталитет ва маданият асослари сақланиб қолади.

Демак, глобаллашувнинг маданий жиҳатини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: "Глобаллашув — дунёнинг кўплаб минтақаларида маҳаллий маданий ўзига хосликнинг тикланишига сабаб". Албатта, бу ижтимоий қараш тушунчасидир.

Ҳозирги давр бутун иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан тавсифланади, бу ерда ахборот энг катта аҳамиятга эга. Глобал ахборотлаштириш даври, биринчи навбатда, жаҳон интернет тармоғининг шаклланиши билан боғлиқ. Ахборот-коммуникация технологияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган ахборотни қайта ишлаш, тўплаш ва узатишнинг улкан имкониятлари глобаллашувнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Бу технологиялар глобаллашувнинг ўзига хос қурилиш пойдевори бўлиб, асосан иқтисодий, сиёсий ва маданий йўналишларнинг пайдо бўлиши ва янада ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунда таълим — ёшлар онгига янги ғояларни жорий этишнинг энг муҳим воситасидир. Глобаллашув шароитида таълим соҳасида халқаро характер касб этган янги йўналишлар шаклланаётир. Бу билим ва таълимга сармоя киритишни жонлантиради, ёшларга трансмиллий ландшафтлар ва глобал жамиятнинг қарама-қаршиликларида ҳаракат қилишда ёрдам берадиган кўникмаларга эга бўлиш имкониятини беради.

Бу жараёнларни таҳлил қилган олимлар шундай хулосага келишган: глобаллашувга жавобан таълим ва билим жамиятини яратиш ва такомиллаштириш; таълим муддатини қисқартириш ўрнига ошириш; касбий таълим жараёнларини кенг қўлланиладиган асосий малакаларга қаратиш. Бу нафақат мослашувчанлик ёки умрбод таълим олиш, балки ижтимоий компетенция, жамоада ишлаш қобилияти, низолардан қўрқмаслик, кўп ўлчовли фикрлаш, ноаниқлик ва иккинчи замонавийликнинг парадоксларига тайёрликни англатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, икки томонлама хусусиятга эга бўлган глобаллашув ёшларга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода, глобал жараёнларнинг инсон капиталини ривожлантиришга ижобий таъсирини ўрганиш ғоят долзарбдир.

**Ботир УСМОНОВ**
**Тошкент кимё-технология институти ректори, техника ва педагогика фанлари доктори, профессор.**

# ЎРМОНЛАШТИРИШ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ЖАРАЁНИНИ СЕКИНЛАШТИРАДИМИ?

*Дарахт ва буталар — табиатнинг ажралмас бўлаги, ўрмонлар, яшил боғлар унинг асоси, ҳаво мусаффолигини таъминлаш орқали инсон саломатлигини сақловчи, мўътадил иқлим ҳосил қилувчи неъмат саналади. Боз устига, янги ўрмонларни барпо этиш иқлим ўзгаришларига қарши курашнинг энг самарали усули экани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, ўсимликлар дунёси ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаидир.*

## Фикр

Тадқиқотларга қараганда, 1 гектар майдондаги дарахтзор бир кеча-кундузда 220-275 килограмгача карбонат ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратади. Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етади. Бошқача айтганда, 4 та дарахт бир кишининг кислородга эҳтиёжини қондиради. Шу боис яшилликни асраш ва кўпайтириш масаласи доимо эътиборда бўлиб, бугунги глобал иқлим ўзгаришлари даврида янада долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ўрмонлар кам бўлган мамлакат ҳисобланади. Лекин ўрмон экотизимлари ҳам хўжалик муносабатларида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш муносабатларида муҳим роль ўйнайди. Давлат ўрмон фонди ерлари 11,2 млн. гектарни эгаллайди, бу республика умумий майдонининг 25,2 фоизини ташкил этиб, улардан 3,26 млн. гектарга яқини ўрмон билан қопланган.

Сўнгги йилларда глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида мамлакатимизда ўрмон фондини муҳофаза қилиш, кўпайтириш, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги ишларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Бу ўринда, авваламбор, соҳанинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, молиявий манбалари белгилаб берилди.

Айниқса, соҳанинг бошқарув тизимига бозор механизмларини жорий этиш ўрмончилик соҳасини серқирра ва сердаромад соҳалар қаторига олиб чиқишга имкон яратди. Биргина жорий йилнинг бугунги кун ҳолатида ўрмон фондининг 3,5 минг гектар ер майдони ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилган. Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 200 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари яратиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилган. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида 2 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорлари барпо этилган.

Ўрмон барпо қилиш, ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этиш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари учун дарахт ва буталарнинг 980 тонна уруғлари жамғарилди. Тупроқ-иқлим шароитига мос манзарали, мевали дарахт ва буталар турларидан 787 гектар майдонда ниҳолхона, кўчатхоналар ташкил этилган бўлиб, натижада жами 101 млн. дона дарахт ҳамда бута ниҳоли ва кўчатлари етиштирилди.

Қайд этиш жоизки, охирги беш йил ичида Орол денгизининг қуриган тубидаги 1,7 млн. гектар ер майдонида ўрмонлаштириш ишлари олиб борилгани ҳамда яшил ҳудудлар ва "яшил белбоғ"ларнинг барпо этилиши, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 8 фоиздан 12 фоизга етказилиши нафақат миллий, балки минтақа давлатлари манфаатлари учун ҳам хизмат қилади.

Ушбу кенг кўламли ишлар ҳамда халқаро миқёсда олиб борилган конструктив саъй-ҳаракатлар натижасида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди. БМТнинг "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюцияси қабул қилинди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам мамлакатда ўрмон фонди ерларини кенгайтириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш ўз аксини топди. Хусусан, республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 млн. гектарга етказиш, дарахт ва бута уруғлари тайёрлашни 840 тоннага ошириш ҳамда Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 2,3 млн. гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 600 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, уларнинг умумий ҳажмини 2,6 млн. гектарга ёки ҳудуднинг 80 фоизига етказиш мақсад қилинган.

Бу борада давлат раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили 200 млн. дона дарахт ва бута кўчатларини экишга йўналтирилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётгани том маънода, халқ ҳаракатига айланди. Ҳозирги кунга қадар мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимиз ҳудудларида 230 миллионга яқин дарахт ва бута кўчатлари экилди.

Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Унга асосан, 2024 йилдан бошлаб "яшил белбоғ", "яшил боғ", "яшил жамоат парк"лари ҳамда "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, ўрмончилик ва ўрмон кўчатчилигини ривожлантириш ва дарахт туридан келиб чиқиб, камида уч йил давомида парваришлаш тадбирлари учун ҳар йили 500 млрд. сўм ажратилиши белгиланди.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирганда, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниб, дарахт кесиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш учун "Экологик патруль" ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бу борада Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ваколатлари кенгайтирилди.

Ҳеч шубҳасиз, яшил масканлар, хусусан, ўрмонлар, истироҳат боғлари, парклар кўпайиб боргани сари об-ҳаво мусаффолиги таъминланиб, она заминимиз яшилликка бурканиб боради.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЁШЛАР ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ?

*Самарқанд шаҳрида Барқарор ривожланиш маданиятини илгари суриш ҳамда болалар ва ёшларни иқлим кун тартибига жалб қилиш бўйича Марказий Осиё стратегиясини ишлаб чиқишга доир Марказий Осиё ёшлар экологик форуми бўлиб ўтмоқда.*

## Форум

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Мактабгача ва мактаб таълими, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликлари, "Замин" халқаро жамоат фонди, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, БМТ Тараққиёт дастури ва ФАО кўмагида уюштирилган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон экофаолларининг 60 нафардан зиёд етакчиси қатнашяпти.

Таъкидлаш лозимки, мазкур тадбир Бирлашган Араб Амирликларидаги СОП 28 — Иқлим ўзгариши бўйича конвенция иштирокчилари конференцияси муносабати билан ўтказилаётир. Унда ёшларнинг иқлим ўзгаришларига қарши курашишдаги ролини эътироф этиш, ёш экофаолларга экологик таклиф ва ташаббусларни илгари суриш учун платформа яратиш ҳамда Марказий Осиёда ёшлар экологик ҳаракатини интеграция қилиш кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчиси бўлган Марказий Осиёнинг 5 давлатидан ташриф буюрган экофаоллар йўқотилган яшилликларни компенсация қилиш учун сунъий ўрмонлар яратиш, ёшларнинг экохабардорлигини ошириш, экостартапларни молиялаштириш, электрокарларга ўтганларни рағбатлантириш, ёнилғида юрадиган машиналар катализаторларини яхшилаш эвазига зарарли газларни камайтириш ҳамда экологик муаммоларга машҳур инсонлар ёрдамида одамлар эътиборини қаратиш каби таклифларни илгари суришмоқда.

Тадбир доирасида, шунингдек, халқаро экспертлар иштирокида семинарлар, учрашувлар ўтказилиб, Марказий Осиё стратегияси ҳамда "Йўл харитаси" бўйича муҳокамалар ташкил қилиняпти.

**«Халқ сўзи».**

## Мактабгача таълим:

# ҚАМРОВ ҲАМ, СИФАТ ҲАМ ОШЯПТИ

*Бухоро вилояти Пешку тумани Уйбой қишлоғидаги 31-давлат мактабгача таълим ташкилоти бир пайтлар дала шийпони вазифасини ўтаган, кейинчалик мослаштирилган бинода фаолият юритиб келаётганди. Табиийки, у замонавий талабларга жавоб бермас, қолаверса, ташқи таъсирлар оқибатида эскириб, кўримсиз ҳолга келиб қолганди.*



## Интилиш

Шу йилнинг баҳоридан бошлаб бу ерда қурилиш ишларига киришилди. Мукаммал таъмирлаш юмушлари учун 4 млрд. 314 млн. сўм маблағ сарфланди. Натижада аввалги тор ва кўркини йўқотган бино ўрнида икки қаватли замонавий иншоот қад ростлади.

Жанубий Корея андозаси асосида барпо қилинган бинода илгаригига қараганда қатнов ўрни ҳам кўпайди. Энди бу ерда 75 эмас, 120 нафар жажжи ўғил-қиз шаҳардагидан қолишмайдиган даражадаги шарт-шароитларда таълим тарбия олиши, машғулотлар орқали зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши мумкин. Бино томига қуёш панели ҳам ўрнатилди.

Айтиш ўринлики, юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Пешкуда ҳам мулкчиликнинг турли шаклидаги муассасалар ташкил этиш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш эвазига 3 – 7 ёшдаги болажонларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасидаги имкониятлар кенгаймоқда. Ҳозир кичкинтойларнинг 85 фоизи шундай муассасаларда тарбияланяпти. Ваҳоланки, бундан икки йил муқаддам бу кўрсаткич 60 фоиз атрофида эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Видеолавҳада кўринг





# ЎЗБЕК СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилаётган XIX Осиё ўйинлари ўзининг қизғин палласига кириб боряпти. Беллашувларда муваффақиятли иштирокини давом эттираётган ўзбекистонлик спортчилар кеча кун давомида 2 та олтин ва биттадан кумуш ҳамда бронза медалларни қўлга киритди.*

## Осиё ўйинлари

Жумладан, юнон-рум курашининг 87 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Жалгасбай Бердимуратов мусобақанинг энг юқори поғонасидан жой олди. У финалгача бўлган баҳсларда қозоғистонлик Максат Сайлауни, яримфинал босқичида япониялик Суми Масатони таслим қилди. Олтин медаль учун кечган курашда Эрон вакили Носир Ализодани мағлуб этди.

Енгил атлетикачи спортчиларимиз ҳам қитъамизда тенгсиз эканлигини исботлаб келишяпти. Хусусан, Шарифа Давронова уч ҳатлаб сакраш баҳсларида 14.09 метр натижа кўрсатиб, Осиё ўйинларининг олтин медали билан тақдирланди. Эътиборлиси, Шарифа эндигина 17 ёшга қадам қўйди ва бу профессионал фаолиятидаги дастлабки катта совринидир.

Турнирнинг кечки дастурида оғир атлетикачимиз Муҳаммадқодир Тоштемиров 81 кг. вазнда кумуш медалга сазовор бўлди. У даст кўтаришда 159, силтаб кўтаришда 192, иккикураш натижасига кўра 351 кг. натижани қайд этди.

Бокс беллашувларида ҳам мусобақа ғолиблари аниқланмоқда. Ёш истеъдодли спортчимиз Тўрабек Ҳабибуллаев -80 кг. бўйича яримфиналда мезбонлар вакили Танглайтан Тўхтарбайга имкониятни бой бериб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ҳасанбой Дўсматов (-51 кг.) яримфиналда япониялик Томоя Цубоини мағлуб этиб, финалга йўлланмани қўлга киритди. Энди у Таиланд боксчиси Титисан Панмот билан асосий беллашувда рингга чиқади. Яна бир истеъдодли чарм қўлқоп устаси Абдумалик Халоков (-57 кг.) хитойлик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай финал баҳсига йўлланма олди. Унга Кунчиқар юрт спортчиси Шудаи Харада рақиб бўлади. Яна бир вакилимиз, +92 кг. вазн тоифасида Баҳодир Жалолов олтин медаль учун қозоғистонлик Камшибек Конкабаев билан тўқнаш келади.

Футбол бўйича Ўзбекистон U-23 терма жамоаси яримфинал босқичида Жанубий кореялик тенгқурларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, мусобақанинг бронза медаллари учун Гонконг ёшларига қарши яшил майдонга чиқадиган бўлди.

Мусобақанинг навбатдаги кунидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 16 та олтин, 16 та кумуш ва 22 бронза, жами 54 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринда бормоқда.

**«Халқ сўзи».**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Дўстлик ришталари**





# ҚОЗОҚ ҚАРДОШИМ МЕНИНГ

## Адабиёт — қалб қаноти

Дарҳақиқат, адабиёт — қалб қаноти. Ва лекин у сўздан яралган. Муҳаббатдан, меҳрдан, тиниқ туйғулардан яралган қанот. Унинг манзили — қалбдан қалбга, дилдан дилга йўл. Ахир одамзод юрмай етадиган ягона манзил, бу — кўнгил.

Яна комил ишонч билан адабиётни қалб чашмасига менгзаш мумкин. Фақат сўз саодатидан, сўз азобидан яралган чашмадир бу. У аввал зарра-зарра, том-томчи, кейин шилдир-шилдир, тошқин-тошқин, жўшқин-жўшқин оқади. Унинг ўзаги — қалб. Унинг кўзлаган манзили ҳам қалб. Чунки яхши сўз, яхши ниятгина қалбни тўлқинлантиради. Эзгу сўзгина қалбни дарёга, уммонга айлантиради.

Шеърни, ғазални, достонни, ҳикояни, қисса ёки романни ҳам қайсидир миллатга мансуб бир инсон яратади. Аммо бу ятратиқлар ўзининг гўзаллиги, ҳикмати, маъно-моҳияти, таъсир кучи, қудрати ила умуминсониятнинг, халқларнинг беназир бойлигига айланади. Бойлик бўлганда ҳам, ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган бойлик бўлади. Токи одамзод яшар экан, бу маънавий мерос адабиётга ошуфта ҳар бир қалбнинг, ҳар бир юракнинг сўздаги нури, ўздаги қўри бўлади. Ана шу нур дилларда порлаб тураркан, яхшилик яшайверади, эзгуликка даъват ортаверади. Одамлар бир-бирига сўз орқали кўзгуга айланади. Буюк Чўлпон бобомизнинг биргина ибораси билан айтганда, “Адабиёт яшаса — миллат яшайди”.

Яшаётган миллат — бу яшаётган она тилимиз. Яшаётган Ватан, халқ, шу тилдан, шу миллатдан ифтихор. Ўз миллатидан ифтихор қилиш бахти, туйғуси нақадар ҳузурбахш. Шукркрим, бугун ўзбек миллати ана шу тотли туйғу оғушида. Биргина Навоий бобомиз номидан таралаётган нур — туркий тил соҳибларининг, хусусан, ўзбекларнинг ўзлигидаги фахр, тилидаги, дилидаги сарбаландлик! Бугун ўзбек тили Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, журъати, миллатпарварлиги боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарида такрор-такрор жаранглам оқда. Дунё афкор оммасини ўзбек тилида уйғотишга, кўзини очишга чорлаётган Юртбошимизга ҳар қанча ташаккур, таҳсин айтсанг камдек туюлаверади. Унутмаслик керакки, бу тилда ўз волидасидан нафақат Навоий ҳазрат, балки Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Бобур, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек Мирзо ҳам аллалар эшитган, шу тил оғушида камол топган. Бу камолот — дунё илм-фани тараққиётига мислсиз ҳисса қўшиш, икки Уйғонишга бешик бўлиш билан ўлчанишини эътироф этсак, томирлар титрайди, қалблар ифтихорга бурканади. Бу алоҳида мавзу, албатта.

Чунки биз суҳбатимиз аввалини адабиётнинг қардошлар, дунё халқлари ўртасидаги ўрни, эзгу юмуши хусусида бошлагандик ва уни мамнуният ила давом эттирамиз.

## Оғаликнинг аввали — қадр

Бир инсон ёлғиз яшаб, бир оила тўрт девор ичидан ташқарига чиқмай, қолаверса, бир миллат аҳли дунёдан айро яшаб, ҳеч қачон бахтли бўлган эмас. Халқимизда “Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур” деган мақол бор. Бу нафснинг садоси. Аммо кўнгил, қалб отлиғ ҳилқатнинг ҳам таоми борки, унинг номи Меҳр, унинг номи Қадр! Меҳр меҳрга, қадр қадрга, муҳаббат муҳаббатга йўл очади. Шу боис бу дунёда “Меҳрга тўйдим” деган онгли инсонни топиш мушкул. Қадр кўрган одамнинг кўкси эса тоғдек юксалади, яшагиси, кўпроқ меҳнат қилгиси келаверади!

Ҳар бир миллатнинг олиму фозиллари, адабиёт ва санъат аҳли бугун ноёб бўлиб бораётган шу гўзал туйғуларнинг чароғбонлари ҳисобланади. Чунки адабиёт кўнгиллараро ташланган кўприк, меҳрдан, муҳаббатдан тиниқлашган кўзгу. Илм — ақлнинг ақлга тутган чироғи. Шу боис ҳам қадимда улуғ қардошларимиз боболаримиз билан ёнма-ён яшаб, бир-бирларини таржимасиз тушунишган, туркий эканлигини унутишмаган. Улардан мерос қолган ўлмас қадриятлар бугунги авлодлар қалбларида иймон, эътиқод, одамийлик, ватанпарварлик каби фазилатларнинг шаклланишида дастуриламал бўлмоқда, десак, янглишмаймиз. Табиийки, бу ижод аҳлига битмас-туганмас илҳом бахш этади.

*Бу дунёни асраб бўлмас кўз-ёш билан,*
*Тонг жамоли кулиб чиққан қуёш билан,*
*Халқлар асли халқ бўлгайдир қардош билан,*
*Ўзбекман деб санасам беш бармоғимни,*
*Кўрдим туркман, озар, қирғиз, қозоғимни.*

Албатта, тили бир, дини бир, урф-одатлари эгиз барча туркий халқлар билан қавм-қариндошлик, дўст-биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, қардош қозоқ халқи билан азалдан ёнма-ён яшаб, қуда-қудағай бўлиб, яхши-ёмон кунларида дилдошлик қилиб, аҳил-иноқ ҳаёт кечириб келяпмиз. Табиийки, бу эзгу амалларнинг тамал тошини буюк бобокалонларимиз қўйган. Улар ҳар бир ишда елкадош бўлишган. Шунинг учун қозоқ халқининг улуғ шоири Абай ҳазрат Навоийни ўзининг устози деб билган ва юксак эҳтиром кўрсатган.

Бу икки халқнинг буюк ижодкорлари ўз миллати, ўз тили, ўз элини улуғ тутган. Фақат эзгуликка чақирган. Шу ўринда Навоий бобомизнинг мана бу ўгитини келтириш ўринли:

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,*
*Ҳар нечаки ағёр дурур, уни ёр айлар.*
*Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар.*
*Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.*

**Қозоқ халқининг ардоқли оқини Абай айтади:**

*Мен ўланни айтмайман эрмак учун,*
*Ўтган-кетган гапларни термак учун.*
*Мен ўланни айтаман тушунганга,*
*Авлодимга бир сабоқ бермак учун.*

Шукркрим, ҳар икки халқнинг бугунги авлодлари ана шу сабоқлар оғушида. Бу дўстликни Ғафур Ғулом билан Собит Муқондек асраб-авайлаш, тарғиб этиш бурчимиз. Чунки қардошликнинг қадрига ўзбек адабиётининг Ойбек, Уйғун, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Носир Фозилов каби адиблари етишган ва издошларини ҳам шу эзгу анъанани давом эттиришга чорлаган.

Табиий савол туғилади, бугун бизлар улуғ аждодларимиз боғлаб кетган меҳр-оқибат ипларини маҳкам тута оляпмизми?

Шубҳасиз, кейинги етти йилда бу борада амалга оширилган эзгу ишлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ҳар икки давлат раҳбарларининг халқларимиз тинчлиги, фаровон турмуши, дўстлиги, бирлиги йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсати эътирофга, таҳсинга лойиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзлари фикримизнинг тасдиғи бўла олади: *“Биз минг йиллар давомида қозоқ халқи билан яхши қўшни бўлиб, биргаликда ёнма-ён яшаб келганмиз. Бизни умумий тарих, урф-одат ва маданият боғлаб туради. Келажагимиз ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқдир”.*

Қозоғистон давлат раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг қуйидаги фикри ҳам икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, қардошликнинг амалдаги ижросидир: *“Биз доимо ўзбекларни ўзимизга қон-қардош билганмиз ва шундай ҳисоблашда давом этамиз. Ўзбек халқи ҳам бизга нисбатан шундай илиқ туйғулар туяётгани бизга яхши маълум. Қардош халқларимизни ягона тақдир ва умумий келажак боғлаб туради”.*

Давлат раҳбарлари таъкидлаганларидек, ҳар икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстлик адабиёт йўналишида ҳам эътироф, эъзозга мушарраф бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда қабул қилган “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакатимизнинг ўрта ва олий таълим масканларида улуғ қозоқ шоирининг ижодига бағишланган танловлар, маърифий тадбирлар ўтказилди ва ҳамон ўтказилмоқда. Ҳар йили 10 августда Ўзбекистонда улуғ қозоқ шоири Абай таваллуд куни нишонланади. Тошкент шаҳридаги шоир ҳайкали пойида адабий-маърифий тадбир ўтказилиб, гуллар қўйилади.

2022 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ТУРКСОЙга аъзо давлатлар раҳбарларига “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуаси совға қилинди. “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасининг 10 жилди қозоқ адабиёти намуналарига ажратилгани қозоқ ижодкорларининг олқишига, эътирофига сазовор бўлди. Ундан мумтоз қозоқ адабиёти намояндалари асарлари, бугунги даврда етакчи бўлиб турган қалам соҳибларининг дурдона битиклари ўрин олган.

Мажмуа учун Ўлжас Сулаймоннинг “Аз и Я” асари, шоирлар Сакен Сайфуллин, Илёс Жонсуғуров шеърлари, ёзувчилар Ғабиден Мустафин, Бовуржон Мўмин ўғли асарлари махсус таржима қилинди.

Яна алоҳида икки жилдда замонавий қозоқ шеърияти ва насри анталогияси чоп этилди. Анталогиялар учун материаллар Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилди. Унга замонавий қозоқ адабиётида муносиб ўрнини топган 91 нафар шоирнинг шеърий намуналари, 46 нафар ёзувчининг ҳикоялари киритилган.

Бу эзгу ишлар сўздан яралган кўнгил чашмаларининг қардош қалблар дарёсидаги мавжидир, десак, арзийди.

## Олмаотанинг ўз олами

Қайсики қалам соҳиби ижодкорликни тақдир иноятидеб билса, умрини қўл урган ишига бус-бутун бахшида этса, шу соҳада ўз мактабини яратиш бахтига муяссар бўлса, аввал ўзининг, кейин ўзга элу элатларнинг ардоғида бўлади, ҳурматини қозонади.

Қозоқ халқининг, адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, қозоқ насрида ўз ўрнига эга, детектив жанри асосчиси, ўз даври нафаси ва талабларини яхши билган ҳамда ижодида теран акс эттира олган адиб Камол Тўқаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Олмаота шаҳрида бўлиб, юртимизга қайтиш бизга ҳам насиб этди.



**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Соат 6:00 да Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ҳамроҳим — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо билан дийдорлашиб, қозоқ қардошларимизнинг самолётидан жой олдик.

Кўп ўтмай мовий само гумбази остида парвоз қилдик. Чамаси, бир соат ўтар-ўтмай, самолётимиз пастлай бошлади. Олмаота шаҳрини кўкдан кузатсангиз, дастлаб гуллар ичида юз очган бўстонга ўхшайди. Аслида эса у бепоён Олатов тоғ тизмаси қуршовидаги ям-яшил шаҳар экан. Бу заминга куз фасли бизга нисбатан эрта келаркан. Оч қизғиш тусга кираётган барваста дарахтлар гўё бизларни “Хуш кўрдик!” дегандек поймимизга тилларанг баргларини сочиб турарди.

Мезбонлар бизни иззат-икром билан кутиб олишди. Улуғ ёзувчининг қутлуғ санаси тантаналари ташрифимизнинг эртаси куни ўтказилиши режалаштирилгани учун ҳамроҳимиз — Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Қосимхон Бегманов қарийб тўрт соат мобайнида Олмаота шаҳрининг гўзал масканларини, диққатга сазовор гўшаларини зиёрат қилдирди. Якшанба куни бўлгани боис маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар худди Зомин, Бўстонлиқ, Паркент тоғлари бағрига ошиққандек, Олатов тоғлари қучоғидаги оромгоҳларга саёҳат қилишаркан. У ерда кўрганларимиз, кўзга сиғмас гўзалликлар, улуғворликлар алоҳида мавзу.

Асосий мақсадимиз — қозоқларнинг ардоқли фарзанди, атоқли адиб Камол Тўқаев таваллудининг 100 йиллиги юбилейи хотира-анжуманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакили сифатида иштирок этиш.

Анжуман 2 октябрь куни соат 10:00 да шаҳар марказидаги улуғвор “Дўстлик уйи”да ўтказилди. Рости, сафарга отланаётиб дилимдан: “Биз Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг падари бузругвори, ўз халқининг машҳур ёзувчиси, ўнлаб саргузашт қисса ва ҳикоялар муаллифи Камол Тўқаевнинг 100 йиллик юбилейига кетяпмиз. У амалдаги Президентнинг отаси бўлгани боис ҳам тадбир шов-шувли даражада, катта доирада ўтказилса керак”, деган ўй ўтганди.

Анжуманда сўзлаган қардошларимизнинг гап-сўзларидан англаганимиз шу бўлдики, Камол Тўқаев болалигидаёқ ота-она, жигарларидан айрилиб, етимхонада камолга етган. Сталинграддан бошлаб, то Украина, Беларусь, Польша шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашган. Польшада оғир яраланиб, икки жанговар орден ва кўплаб медаллар соҳиби бўлиб, Ватанига омон қайтиб келган. Хуллас, бир инсон кўриши мумкин бўлган жамики азоб-уқубатларни бошидан кечирган камтарин, ватанпарвар, адолатпарвар қалам соҳибининг юбилейи ҳам ўзи каби оддий, самимий ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, Қозоғистон раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг “Отам ҳақида сўз” китоби бамисоли бу оила бошига тушган хору зорликлар, мусибатларнинг овози бўлиб жаранглайди. Ва ҳар қандай қаҳри қаттиқ ўқувчининг кўзида ёш қалқитади.

Камол Тўқаевнинг ҳам ижодкор сифатида бошига тушган кўргиликлар бу инсоннинг орияти, саботи, иродаси мустаҳкам, қўл урган эзгу ниятидан ортга чекинмайдиган, бир сўзли инсон эканига ёрқин далилдир.

Бугун таниқли адибнинг “Аскар урушга кетди”, “Инидан безган қуш” сингари романлари, “Кечаси отилган ўқ”, “Қасд”, “Махсус топшириқ”, “Сарғабондда бўлган воқеа”, “Рамзли тилла” каби ўнлаб қиссалари қозоқ халқининг ҳар бир хонадонидаги китоб жавонларидан муносиб жой олгани бежиз эмас. Камол Тўқаевнинг “Сирли из”, “Оқшомдаги қотиллик” қиссалари, шунингдек, қатор ҳикоялари ўзбек тилига ҳам маҳорат билан ўгирилган.

Адибнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан “Дўстлик уйи”да ўтказилган анжуманни Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулкенов бошқариб борди. Мамлакат Президенти табригини Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Аида Ғалим қизи Балаева ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, ТУРКСОЙнинг бош котиби Султон Раев, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Ҳожиматов, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қалибеков, Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, таниқли ёзувчи Дмитрий Шестаков, Қозоғистон Қаҳрамони, Давлат мукофоти соҳиби Дулат Исабеков, кўплаб олиму фозиллар, академиклар, атоқли ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар чиқишини кузатдик.

Ҳа, бир фикрни комил ишонч билан айтамизки, Камол Тўқаев том маънода халқ фарзанди, миллатпарвар, ватанпарвар, беназир истеъдод соҳиби бўлган экан. Оилапарвар, энг муҳими, бетакрор ижодкор сифатида ўзидан ўчмас из қолдирган экан!

Бу анжуманга ташриф буюрган ҳар бир иштирокчининг дилидан кечган ўй бўлди, десак, муболағаси йўқ.

## Сизларга ҳавас қиламиз!

Хўш, бу ҳаваснинг аввали, асоси нимада? Тан олмоқ керакки, бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона, узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсатининг мевасидир.

Шу ўринда айтмоқ жоизки, агар таъбир жоиз бўлса, юрт раҳбари ўз мамлакатини, ижодкорлари эса халқини эллар оша танитар экан. Зотан, қозоқ халқининг Камол Тўқаевдек ижодкор фарзанди борлиги учун анжуманда нафақат ёзувчининг ўзи, бутун қозоқ халқи шарафланди.

Қолаверса, барча соҳалар қатори ўзбек ижодкорларига яратиб берилаётган бетакрор имкониятлар, шарт-шароитлар учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шаънига такрор-такрор таҳсинлар айтилди. Бунга Минҳожиддин Ҳожиматовнинг маърузаси бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб тургани ҳам мисол бўла олади.

Айни чоғда қардошларимизга Камол Тўқаевнинг ўзбек тилида, юксакноширлик андазалари асосида чоп этилган китоби тухфа этилди.

Келинг, шу ўринда ҳурматли мезбонларимиздан бирининг сўзидан иқтибос келтирай.

**Жакип Бауржанов,**
**академик, адабиёт соҳасидаги Халқаро Алаш мукофоти соҳиби, шоир:**

— Азизлар, тан олайлик, ўзбекистонлик дўстларимиз кўп соҳаларда бизларга ўрнак бўляпти. Ўзбекистон Президенти қадрли Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан чоп этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуасининг 10 жилди бизнинг ижодкорларга ажратилгани катта воқеа. Яна қанчадан-қанча ёшларимиз ижодидан қилинаётган таржималар, нашр этилаётган китоблар... Бу яхшиликларни биз қачон қайтариб улгураркanмиз...

Рости, бу каби эътирофлар шу куни сўзлаган кўплаб ижодкору олимлар тилидан ҳам жаранг сочди.

Қисқача айтганда, Камол Тўқаевнинг 100 йиллик юбилейи тантаналарида биз ёруғ юз, чексиз ифтихор ва шукроналик билан иштирок этиб келдик. Қалбимизда ўзлигимиздан, бирлигимиздан фахрландик. Қозоқларнинг Олатовидек кўксимиз юксалди. Биз, ҳатто қўшни Қозоғистонда ҳам янги Ўзбекистоннинг янги бўй-бастини, янги чеҳрасини, янги имкониятларини кўрдик. Яратганга ҳар бир он, ҳар бир имкон учун, шундай табаррук заминда кўз очдиргани, яшатиб-яшнатиб қўйгани учун беҳад ҳамду санолар айтдик.

* * *

Дарвоқе, мен анжуманда ўқиган “Қувончлари қўш келди” сарлавҳали шеъримни қозоғистонлик шоира қиз шу куниёқ таржима қилиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилибди. Демак, орзулар, мақсадлар мутаносиб. Ҳар икки қардош халқнинг порлоқ истиқболига ишонч мустаҳкам.

Бизга шеър ярашади, қўшиқ ярашади, тинчлигимизни, бирлигимизни куйлаш ярашади. Ўша шеъримни сизларга ҳам илиндим.

*Қозоқ қардошим, десам, қулочим қанотланар,*
*Қадим қадриятлардан юрагим қувватланар,*
*Навоий, Абай руҳи тиловатдан шодланар,*
*Туркий деган номи бир ўзбек билан қозоқнинг,*
*Каломи, саломи бир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Дўмбирани чертишни қозоқдек қийган борми,*
*Ўзбек танбур чертганда кўз ёшин тийган борми,*
*Ўтмишига бир боқинг, улардек куйган борми,*
*Тарихдан даъвоси бир ўзбек билан қозоқнинг,*
*Оҳ чекса, жафоси бир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Қозоқнинг дили дарё, ғарбда Волга дарёси,*
*Қозоқнинг кўкси тоғдир, шарқда Олтой дунёси,*
*Бир ёнида таралар Ўзбекистон зиёси,*
*Саҳроси, ери туташ ўзбек билан қозоқнинг,*
*Қалбида қўри туташ ўзбек билан қозоқнинг.*

*Омонгелди қозоқнинг эрки учун жон тиккан,*
*Жалолиддин мангуга ўзбек бўлиб шон тиккан,*
*Ғафуру Собитлари меҳр отлиқ дон эккан,*
*Ўлану шеъри бирдир ўзбек билан қозоқнинг,*
*Ниятда нури бирдир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Қозоқларнинг қизлари оташқалб, куюк бўлган,*
*Ўзбекларнинг қизлари Кумушдек суюк бўлган,*
*Чунки ўзбек, қозоқнинг онаси буюк бўлган,*
*Оталари орлидир ўзбек билан қозоқнинг,*
*Сафи доим норлидир ўзбек билан қозоқнинг.*

*Йўллардан ҳам кўнгилдан тўрлар олиб ташланди,*
*Қадим қадр тикланиб, кўзлар жиқ-жиқ ёшланди,*
*Дастурхонда бешбармоқ, паловтўра ошланди,*
*Қувончлари қўш келди ўзбек билан қозоқнинг,*
*Меҳмонлари хуш келди, ўзбек билан қозоқнинг!*

**Фестиваль**

## БУХОРОДА «ЕВРОПА КИНО КУНЛАРИ»

*Бухоро шаҳрида “Европа кино кунлари” бўлиб ўтяпти. У “Ипак йўли дурдонаси” XV Тошкент халқаро кинофестивали доирасида ташкил этилди.*

— Европа кинофестивали — кино санъати мухлислари узоқ кутган воқеа, — деди тадбирнинг “Бухоро” кинотеатридаги очилиш маросимида қатнашган Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адриан. — Анжуман маданиятларни бирлаштириш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фестиваль дастуридан Европанинг совриндор, кўпчиликнинг қалбини забт этган фильмлари ўрин олган. Уларда кўтарилган глобал масалалар Ўзбекистон учун ҳам бегона эмас. Бугунги тадбирнинг кўҳна Бухорода ўтказилаётгани, томошабинларнинг аксарияти ёшлар экани ҳам кишини қувонтиради.

Уч кун давом этиши кўзда тутилган кино кунларида томошабинлар эътиборига Франция, Бельгия, Германия, Португалия каби Европа давлатлари ижодкорлари томонидан яратилган картиналар бепул намойиш этиляпти. “Менга турмушга чиқ”, “Менинг уйларим сокин”, “Санремо”, “Луццу” каби фильмлар шулар жумласидан. Уларда инсоннинг ўзлигини англаш йўлидаги қувонч ва изтироблари, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари, оила қадр-қиммати каби мавзулар ўзига хос йўсинда ёритиб берилган.

— “Европа кино кунлари” маданий ҳаётимиздаги катта воқеадир, — дейди “Ўзбеккино”нинг Бухоро вилояти бўлими раҳбари Али Чориев. — У томошабинларимизга “кўҳна қитъа”нинг таниқли киноижодкорлари томонидан яратилган асарлар билан танишиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, фестиваль Бухоронинг туристик салоҳиятини дунёга кўз-кўз этиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

“Ипак йўли дурдонаси” XV Тошкент халқаро кинофестивали доирасида кўплаб давлатларнинг таниқли режиссёрлари, операторлари Бухоро қадимий шаҳримизнинг диққатга молик жойлари билан танишяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Инфратузилма**

## НАВБАТДАГИ МАХСУС ТЕХНИКАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

*Наманган вилоятида мамлакатда биринчилар қаторида маиший чиқиндилар билан ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга оширишга киришилган эди. Бу иш қисқа вақт ичида ўз самарасини кўрсатди.*

Жумладан, бошқарувнинг янги тизимига ихтисослаштирилган “Namangan musaffo iqlim” масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда Наманган шаҳри ва яқин атрофдаги беш туман ҳудудини қамраб олган бўлиб, вилоят аҳолисининг деярли ярмига хизмат кўрсатмоқда.

Фаолиятни янада кенгайтириш мақсадида корхона моддий-техника имкониятларини муттасил оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, куни кеча МЧЖнинг парки чиқинди йиғувчи махсус техникаларнинг навбатдаги туркуми билан тўлдирилди.

— Ҳозирга қадар ихтиёримизда 78 та махсус автомашина бўлиб, хонадонларни тўла қамраб олишга қийналаётган эдик, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Фахриддин Иброҳимов. — Корхонанинг ДХШ лойиҳаси бўйича 100 дона махсус техникалар сотиб олиш учун Хитойнинг “Chengli spesial avtomobileco” LTD компанияси билан тузилган 5 млн. долларлик шартнома бўйича яна 50 та янги машина олиб келдик. Бу билан тасарруфимиздаги ҳудудлардаги хонадонлардан маиший чиқиндиларини тўла олиб чиқиб кетиш имконияти яратилди. Ишловчилар сони эса 150 нафардан ортди.

Маълумот учун, Поп туманида ҳам маиший чиқиндилар билан ишловчи икки корхонага 12 кубометр сиғимга эга “Isuzu FVR 34 K” русумли 14 та махсус техника топширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги жамоаси Оҳангарон шаҳар статистика бўлими бошлиғи

**Расулхон СОИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6